

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЯНГИ ҚОНУН

Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди

Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун сенаторлар томонидан маъқулланган эди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахририни қабул қилиш назарда тутилган.

Янги тахрирдаги кодексда Солиқ кодексининг амалдаги тузилмаси сақлаб қолинган ҳолда уни умумий қисмга (солиқ маъмуриятчилиги масалалари) ва махсус қисмга (солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг асосий қоидалари) бўлиниши назарда тутилади.

Умумий қисмда, жумладан, қуйдагилар назарда тутилган: солиқ солишга оид халқаро шартномаларни қўллаш тартиби иқтисодиётни фаол ривожлантиришнинг бугунги кунги ҳолати ва талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштирилган.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари қайд этилгани ҳолда, қонун ҳужжатларида бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликларнинг солиқ тўловчи фойдасига ҳал этилиши ҳам белгиланган.

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра солиқ турлари 13 дан 9 гача қисқартирилган.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи, яъни хўжалик фаолияти бўйича фойда солигини ҳисоблаш ва тўлаш мақсадида шартнома асосида ихтиёрий бирлашган гуруҳ ташкил этиш ва уни тугатиш шартлари каби бугун бизнес юритишда халқаро тажрибада кенг қўлланиб келинаётган талаблар ҳам Кодексда ўз аксини топган.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни 42 мезон асосида 3 сегментга, яъни «виждонли», «шубҳали» ва «мунтазам ҳуқуқбузарлар»га ажратган ҳолда улар билан алоҳида фаолият ташкил этиш йўлга қўйилади.

«Виждонли» тоифадаги солиқ тўловчилар учун, уларнинг шу рўйхатда бўлган даври давомида, ҳеч қандай текширув ўтказилмаслиги, «шубҳали» тоифадаги солиқ тўловчилар камерал назорат тартибидан назорат олинми, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинса бошқа текшириш амалга оширилмаслиги, «мунтазам ҳуқуқбузарлар»ни эса аудит текшируви орқали жойида текшириш кўзда тутилган.

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ваколатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига берилган.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг қарзи бўлмаган ҳолларда солиқ тўловчига қайтарилиши ёки солиқ тўловчи розилиги билан келгуси тўловлар ҳисобига олиниши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Кодекснинг янги тахририда ортиқча тўловни қайтариб бериш муддатидан ўтган ҳар бир кун учун солиқ хизмати органларининг пеня тўлаши ҳам кўзда тутилади.

Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг, солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, назорат қилиш тартиб-таомилини соддалаштириш ва солиқ текширувлари турларини 13 тадан 3 тагача камайтириш, солиқ текширувларини тахлика-тахлил дастури асосида (инспектор аралашмаган ҳолда) камерал, жойига чиққан ҳолда текшириш ва солиқ аудитини ваколатли орган билан келишилмасдан амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди.

У ёки бу солиқ тўғри ҳисобланганлигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни солиқ тўловчидан талаб қилиш, шунингдек, камерал текширув ўтказиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан аввал тақдим этилган ахборотни тасдиқлаш учун сайёр текширувларни (омборхонани текшириш, ходимлар хронометражи) таклиф қилиш ҳуқуқини солиқ органи мансабдор шахсига бериш ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, солиқ бўйича низоларни судгача ҳал этиш тартиби очиб берилган. Солиқ билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик турига қараб жавобгарлик чоралари белгиланган, солиқ органлари жавобгарлиги кучайтирилган.

Махсус қисмдаги киритилаётган қўшимчалар солиқларни ҳисоблаш механизмларини ва тўлаш тартибларини такомиллаштиришни, шунингдек, солиққа тортишнинг барча элементларини аниқлаштириш ва тартибга солишни белгилайди.

Махсус қисмда қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, айланма маблағдан тушадиган солиқ, юридик ва жисмоний шахслардан олинандиган фойда солиғи, улардан олинандиган ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қарбидан фойдаланишга оид солиққа оид нормалар, шунингдек, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари белгиланиб, очиб берилган.

Кодекснинг қабул қилиниши солиқ қонунчилик нормаларини қўллашни соддалаштиради. Зиддиятлар ва тафовутларни бартараф этиб, виждонли солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиради. Солиқ назорати шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, солиқ солинадиган объектлар ва солиқ тўловчилар тўлиқ қамраб олинишини ва ҳисобга олинишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштирилди.

Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

ЎЗА.



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида қайд этилганидек, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли қонунбузилиш ҳолатлари анча камайди.

Кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдаги ўзгаришларни биласизми?

Ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳолатини доимий назорат қилиб бориш бўйича давлат инспекторлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаган ҳолда мавжуд ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатлари мониторингдан ўтказилди. Унга кўра, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олган 2 582 нафар ердан фойдаланувчига, 1 536 нафар хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига ер қонунбузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этишни сўраб, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Бош прокуратура ва қўмита ўртасида тасдиқланган қўшма тартиб асосида чора кўриш ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 1 331 та ҳолат бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, вилоят ва туман прокуратураларига киритилди. Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонлари, қурилган ноқонуний қурилишларни буздириш ва тегишли чоралар кўришни сўраб 437 та ҳолат бўйича судларга даъво аризалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодексининг 5-моддасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган бўлсада, бу бўйича тегишли таъсир чоралари қўрилмапти. Масалан, ўтказилган мониторинглар натижасида 4 596 та аниқланган ер қонунбузилиш ҳолатининг 384 таси бартараф этилиши таъминланган, холос. Шунини инобатга олган ҳолда келгусида бу борадаги қонунбузилиш ҳолатларига тизимли чоралар кўрилади.

2014 йилга қадар кадастр йиғмажилдини шакллантириш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишда тегишли бўлган ёки умуман тегишли бўлмаган ҳужжатларнинг талаб қилиниши, қоғоз кўринишидаги ҳужжатларнинг қўллиги, хизмат кўрсатиш муддатлари узоқлиги фуқароларнинг сарсон бўлиши ва норозилигига ҳамда коррупцияга сабаб бўларди. Ҳозир эса кўчмас мулк объекти бўйича кадастр йиғмажилди шакллантирилади ва унинг натижаси бўйича мулкдорга кадастр پاسпорти тақдим этилади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома бериш бекор қилинган бўлиб, давлат ресурсларидан кўчирма тақдим этилмоқда. Шунингдек, кадастр паспортини шакллантириш уй-жойлар бўйича 3 кундан 10 кунгача муддатда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш эса 2 иш кунига амалга оширилади.

Кўчмас мулк бегоналаштирилганда объектда ҳеч қандай ўзгаришлар қилинмаган бўлса, янги мулкдорга қайта кадастр паспортини расмийлаштириш талаб этилмайди. Фақатгина ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилади ва реестрдан кўчирма тақдим этилади. Кадастр паспортини ва реестрдан кўчирма тақдим этиш жараёнлари электрон тизимда амалга оширилади. Фуқароларга қулайлик яратиш, сарсонгарчилик ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кадастр паспортини расмийлаштириш ва ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун муножаатлар ҳудудий давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинмоқда.

ЎЗА асосида.

Ушбу сонда:

2-7-БЕТЛАР

Кўчмас мулкни бошқариш санъати

3-6-БЕТЛАР

Янги расмий ҳужжатлар

8-БЕТ

2019 йил: хорижий валюталар курсининг сўмга нисбатан динамикаси

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Иситишга ҳақ тўлаш тартиби кейинги мавсумда ўзгартирилади

Президент томонидан 2 декабрда Тошкент иссиқлик таъминоти тизимини модернизациялаш (ПҚ-4543-сон) ва соҳа корхоналарини молиявий соғломлаштириш (ПҚ-4542-сон) тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

2020–2021 йиллар иситиш мавсумидан бошлаб марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 кв.м иситиладиган майдон ҳисобида тўлаш тизимига ўтказилади.

Маълумот учун: амалдаги қоидаларга кўра иситиш даври ташқи ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 8°C дан паст бўлгандаги 5 кунлик давр тугаган кундан кейинги кундан эътиборан бошланади ва 8°C дан юқори бўлганда тугайди.

Баён этилишидан келиб чиқиб ушбу ўзгартириш барча тоифадаги истеъмолчилар, бинолар турларига (турар, нотурар) дахлдор бўлади ва ҳозирда қуйидагича фарқланадиган иситиш учун ҳақ тўлаш шартларини ҳақиқатда тенглаштиради:

➢ жисмоний шахслар иситиладиган майдоннинг 1 м² учун тасдиқланган тариф бўйича ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай ҳақ тўлайди;

➢ юридик шахслар-кўп квартиралли уйдаги нотурар жой эгалари – тариф бўйича ҚҚС билан (сўм/Гкал), нотурар жойни иситишга ҳисобланган иссиқлик юклагасига (Гкал) кўлайтирилган ҳолда, ҳар ойда камида 15%лик олдиндан тўлов киритади ва календарь ой тугагандан кейин 30 кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилади.

Тахририятдан: ҳисоб-китоблар янги тизимнинг жиҳатлари (турарли тоифадаги истеъмолчилар учун ўзига хос жиҳатлари) амалдаги Кўп квартиралли уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидаларига тузатишлар киритилгандан ёки ҳужжатнинг янги тахрири тасдиқлангандан кейин аён бўлади.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 январдан бошлаб иссиқлик таъминоти хизматларига тарифларни белгилашда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тармоқларидаги йўқотишларни қисқартириш ҳисобида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олинади, кўрсатилаётган хизматлар таннархини қоплаш механизмлари босқичма-босқич жорий этилади. Бунда аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифлар қўлланади, бунинг натижасида кўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент ша-

ҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланади.

Қутилаётган янгиликлар орасида қуйидагилар ҳам бор:

➢ ресурс тежовчи замонавий технологияларни, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни инobatга олган ҳолда, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини 2019–2024 йилларда босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш;

➢ 2021 йил 1 январдан бошлаб иссиқлик қувурларини реконструкция қилишда иссиқликни сақловчи, шу жумладан пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва химоя қобилигига ўралган, каналсиз ётқишиш имконини берувчи қувурлар ишлатилади;

➢ иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни етказиб беришга шартномалар тузишнинг янги тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Иссиқлик таъминоти корхоналари истеъмолчилар ва ХУМШ/профессионал бошқарув компаниялари билан уч томонлама шартномаларни, кўп квартиралли уйлари бевосита бошқарадиган мулкдорлар билан эса икки томонлама шартномалар расмийлаштирилади.

Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш соҳасида жавобгарлик Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (унда иккита бошқарма ташкил этилган), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ўртасида тақсимланади. Пойтахт ҳокимияти, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилиш механизми жорий этилади.

Ҳужжатлар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.12.2019 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ

Ўтган йилнинг охиригунларидан Тошкент турар жой кўчмас мулкни бошқариш соҳасидаги Беларусия, Германия, Литва, Украина, Эстониядан ташриф буюрган экспертларнинг мулоқот қилиш марказига айланди. Ўзбекистон пойтахтида «Турар жойни профессионал бошқаришга ўтиш – кўп квартиралли уй-жой фондини модернизация қилишга тайёргарлик» халқаро конференцияси ўтказилди. Бу нуфузли форум Pro House лойиҳасининг якуний босқичи бўлди.

Pro house Тошкентда яқунларни чиқарди

«Шарқий Европада уй-жой ҳужалиги» ташаббуси» (IWO), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўмагида Ўзбекистон уй-жой фондини профессионал бошқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари ташкилотлари уюшмаси конференциянинг ташкилотчилари бўлди. Иштирокчиларга қарата табрик сўзи билан Элчи, ЕИнинг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари Эдуардс Стипрайс мурожаат қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилган лойиҳа доирасида 3 йил давомида турар жой мутахассислари турар жой кўчмас мулкни профессионал бошқаришнинг янги тажриба, билим, ғоя ва малакаларига эга бўлишди, натижа ва ютуқлар билан ўртоқлашишди. Ҳамкорлар давр ўртага ташлаган масалаларга биргаликда жавоблар қидиришди, уларни ҳал этиш йўллари излашди. Бу янгиликлар уй-жой соҳасини ислоҳ қилиш, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш йўлида дадил қадамларни ташлаётган ҳар икки давлат учун ўта муҳим аҳамиятга эга эди.

Конференцияда ислохотларнинг энг муҳим жиҳати бир қатор янги қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилиши бўлганлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистонда «Кўп квартиралли уйлари бошқариш тўғрисида»ги қабул қилинди, уни ишлаб чиқишда турар жой кўчмас мулкни бошқаришда Германия тажрибаси ўрганилган. Қонунда кўп квартиралли уйлари бошқаришнинг 3 та усули белгиланади: бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан; юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот томонидан ёки жисмоний шахс (бошқарувчи) томонидан шартнома асосида; уй-жой мулкдорларининг ширкати томонидан. Ҳужжат кўп квартиралли уйлари бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда мулкдорлар имкониятини кенгайтир-

моқда, бу борада профессионалликка устуворлик беради, янги қурилишларни бошқариш билан боғлиқ бир қатор нормаларни киритади, кўп квартиралли уйларга туташ ер участкаларини мулкдорларга мажбурий ҳужжатли бириктириб қўйиш ва ҳоказоларни белгиламоқда. Ҳуқуқий эксперимент сифатида Қонун Жиззах, Марғилон шаҳарларида ва Тошкент шаҳрининг Яқкасарой туманида апробациядан ўтади ҳамда 2020 йилнинг 1 августидан кучга кирди. Янги уй-жой қонун ҳужжатини тайёрлашда Pro House лойиҳасининг ҳамкори ҳисобланган Ўзбекистон уй-жой фондини профессионал бошқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари ташкилотлари уюшмаси ҳам фаол иштирок этган.

Жорий йилда Қозоғистон ҳам кўп квартиралли уй-жой фондини бошқаришнинг янги ўзанларига ўтишга тараддул кўраётди. «Қозоғистон Республикасининг уй-жой коммунал ҳужалиги масалаларига доир айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҚР парламентида муҳокама қилинмоқда. Лойиҳада бошқарувнинг янги формати – мол-мулк мулкдорларининг бирлашмаларини (ММБ) жорий этишни назарда тутди. Унга кўра, ҳар бир уйнинг ўз алоҳида ҳисоб-китоб счёти бўлади. Ҳар бир уй мулкдорларининг маблағлари қўшни уйга эмас, фақат тегишли уй учун сарфланадиган бўлади. Уйлари хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ММБ билан шартнома асосида профессионал ташкилотлар амалга оширади. Ишни бу форматда ташкил этиш мулкдорлар бирлашмаларининг фаолияти ва улар маблағлари сарфланишида шаффофликни таъминлайди, уйнинг умумий мол-мулкни бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиради, турар жой хизматлари бозорининг ривожланишига ёрдам

7-бетда

УШБУ СОНДА

• ЯНГИ ҚОНУН

– Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди **1-бет**

• ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

– Кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдаги ўзгаришларни биласизми? **1-бет**

• УЙ ҲУЖАЛИГИ

– Иситишга ҳақ тўлаш тартиби кейинги мавсумда ўзгартирилади

– Pro house Тошкентда яқунларни чиқарди
– Буви набираси учун квартира сотиб олса
– Ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар эълон қилинади

– Ҳукумат кўчмас мулкка янги намунадаги кадастр паспортларини жорий этади **2, 7-бетлар**

• РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тарти-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» **3-6-бетлар**

• АМАЛИЙ АХБОРОТ

– Хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан 2019 йилги динамикаси **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма).

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Кўчирма)**

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилмоқда.

Илк бор, «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқлаши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди.

2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат харажатлари консолидациялашган давлат бюджетидега акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиқлиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал баланснинг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига солиқларни ортқича ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усуллари қўлланган ҳолда хорижий амалиётда сигналган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Уз навбатда, амалга оширилаётган ислохотлар вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

биринчи даражали харажатларни, давлат дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш борасида жавобгарлигини оширишни, манбаси аниқ бўлмаган тадбирларни амалга оширмасликни ҳамда бюджет интизомини янада қатъийлаштиришни талаб этади.

Давлат молиясини тизими ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишида манфаатдорлигини кучайтириш, шунингдек, «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар 2020-2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

солиқ-бюджет сисъатига стратегик ёндашуви татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги «натيجاга йўналтирилган бюджет» тизимини жорий этиш;

макрофискал прогнозлар ишончлилигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятини ва бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.01.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарор «Норма маслаҳатчи»да кўчирмада берилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танушиш мумкин.

бюджет маълумотларининг очқлиги, тўлиқлиги ва халқро стандартларга мослигини таъминлаш;

бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда халқро молиявий институтларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда 2020-2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қўйидагилар Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджет-молия соҳасидаги асосий вазифаси этиб белгилансин:

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ камраб олиш, солиқлар йиғилиши даражасини ошириш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш;

биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар) харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йиллардан ўтувчи объектларни ишга туширишга йўналтириш;

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олиннадиган ташқи қарз маблағларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали натижадорликни таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йилда:

консолидациялашган бюджет дефицитини ялли ички маҳсулотнинг 0,5 фоизидан ошмаслигини;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромад ва харажатлари баланслаштирилган ҳолда ижро этилишини;

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзини жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд АҚШ долларидан ошмаслигини;

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд АҚШ долларидан ошмаслигини таъминласин.

4. Белгилансинки, давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳа ва дастурларнинг натижадорлигини баҳолаш жараёни қўйидагиларни назарда тутати:

яқунлашган лойиҳа ва дастурларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси аудитдан ўтказиб, аудит натижалари бўйича ахборотни ҳар чорак якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига юборати;

тегишли вазирлик ва идоралар яқунланган лойиҳа ва дастурлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига 3 ой ичида тақдимотлар ўтказати;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги лойиҳа ва дастурларнинг ишлаб чиқишини, танлаб олиниши, мониторинги ва аудит натижаларига оид маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтларда жойлаштирилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси: ходимлар умумий чекланган сони доирасида бошқарув ходимларининг сони 3 та штат бирлигидан иборат давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурларни аудит қилиш секторини ташкил этсин;

уч ой муддатда давлат қарзлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ва дастурларни баҳолаш ва аудитдан ўтказиш ҳамда уларни хатарлар бўйича гуруҳлаштириш масалаларини ўз ичига олувчи тартибни тасдиқласин.

6. 2020 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2020 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилсин. 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 679 330 сўм;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 238 610 сўм;

энг кам ёшга доир пенсиялар – ойига 466 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 466 680 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 286 390 сўм;

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариси бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир мартали моддий ёрдам миқдорлари 2-иловага мувофиқ белгилансин;

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат бохлари ва кўрсатилмаётган давлат хизматлари, тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент (лицензия) тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда қўлланиладиган базавий ҳисоблаш миқдори – 223 000 сўм ўзгаришсиз қолдирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги:

мазкур қарорнинг 3-иловасида** кўрсатилган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин; икки дафта муддатда янги тахрирдаги Солиқ кодексининг мазмун ва моҳиятини солиқ тўловчиларга тушунтириш ҳамда амалиётга жорий қилишни кўзда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин.

9. Янги тахрирдаги Солиқ кодексига асосан қўшилган қиймати солигининг салбий суммасини солиқ тўловчининг аризасига кўра қоплаш тартиби 2020 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда электрон ҳисобварақ-фактура тизими операторлари сонини кўпайтириш ҳамда операторлар билан ҳамкорликда 2020 йил 1 апрелгача электрон ҳисобварақ-фактуралар алмашиш тизимини тўлақонли жорий қилиш чораларини кўрсин;

электрон ҳисобварақ-фактуралар юритишга ўтган солиқ тўловчилар учун солиқ ҳисоботларини топшириш тартибини соддалаштириш, шунингдек, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат-касса маълумотлари юритишдан бош тортганлиги учун жавобгарлик чораларини жорий этиш бўйича таклифларни 2020 йил 1 июлгача Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. 2020 йилда солиқ юқининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган мол-мулк солиғи суммаси 2019 йилда ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 баробаридан ортиқ оширилмаслиги белгилансин.

11. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 99,2 фоиз;
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига – 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 98,4 фоиз;
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига – 0,8 фоиз.

12. 2020 йил 1 январдан бошлаб:

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ учун фойда солиғи ставкалари 4-иловага** мувофиқ;

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий ва кумуш учун 20 фоиз ва мис бўйича 15 фоиз миқдорда таъсирлансин.

14. Белгилансинки, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига қонунчиликда олий таълим муассасалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади ва 2020 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқнинг 12 фоиз миқдордаги ставкаси қўлланади.

15. Янги тахрирдаги Солиқ кодексига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари бўлган юридик шахслар томонидан ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси:

2020 йил 1 апрелга қадар «Ўздаверлойиха» илмий-лойиха институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари бўлган барча юридик шахсларга ер солигини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини etkazсин;

2020 йил 1 июлга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, 2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив

қийматини белгилашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Белгилансинки, мобил алоқа хизматлари кўрсатиш ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетларига ажратиладиган маблағлар ҳар ойда (ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар, йил якуни бўйича охири иш кунига қадар) ўтказилади;

даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини маблағлари ҳисобидан қўллаб берилади, прогнознинг ошириб бажарилган қисми Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини ихтиёрида қолдирилади.

17. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бюджет даромади прогноз кўрсаткичларини ортиқча тўланган ва ундирилган солиқ суммалари ҳисобига бажарилишига йўл қўймасликлари бўйича қатъий оғохлантирилсин.

2020 йил 1 январдан солиқ тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ортиқча ундирилган суммаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган ставкада фойзалар тўланган ҳолда қайтариш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилган солиқлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини ҳисобидан;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туман ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилган солиқлар бўйича – тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан;

бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган солиқлар бўйича – тегишли бюджетлар ҳисобидан уларга ажратмалар мезъерига мутаносиб равишда амалга оширилади.

18. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 5-иловага мувофиқ таъсирлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мазкур қарорнинг 5-иловасида кўрсатилган давлат корхоналари ҳамда устав капиталда 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдорлари ва даврийлигини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги орқали тегишли масалаларни ушбу юридик шахсларнинг бошқарув органларида кўриб чиқиш учун киритиш йўли билан аниқлаш ҳуқуқи берилсин.

19. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозини ошириб бажарилган қисмини тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қолдирилсин:

жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи;
қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 5-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бўлган мустасно);

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 5-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият

юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

20. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг айланма қасса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

21. 2020 йилда бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қуйидаги ҳолларда тақиқлансин:

молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаса;
 белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари (ишчи лойиҳа, иш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари)сиз ёки лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаш, яъни параллел равишда олиб бориш;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни тендер (конкурс) ўтказмасдан («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида назарда тутилган бўлмаса) танлаб олиш асосида.

Мазкур банд кўрсатилган бюджет интизоми қоидаларига риоя қилиниши устидан Бош вазирнинг тегишли соҳалар бўйича ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг шахсан маъсۇл эканлиги белгиланган бўлисин.

22. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта қўриб чиқиш, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, ёлланма ишчиларнинг норасмий фаолиятини легаллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сув тежовчи технологияларни жорий этишга давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ҳосилдорлик ошишига, сув ва моддий (электрэнергия, минерал ўғитлар ва бошқалар) ресурслар иқтисод қилинишига таъсирини мустақил консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда ўргансин ва 2020 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига сув тежовчи технологияларни жорий этишни такомиллаштириш юзасидан тақрифлар киритсин.

Мустақил консалтинг компанияларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармасидан қоплансин.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг:

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда зарар етказилмаслигини таъминлаш;

Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармалар маблағларидан фойдаланиш юзасидан чиқариладиган қарорларини мажбурий тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашилари билан келишилмиши ҳамда зарарларни қоплашда уларнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши юзасидан маъсуллиги белгиланган бўлисин.

25. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий жарималардан ажратмалар миқдорини бюджетдан ташқари маблағлардан тўлаб келинаётган иш ҳақи ва рағбатлантириш тўловларини унификациялаштирган ҳолда Давлат бюджети орқали амалга ошириш ҳисобига мақбуллаштириш бўйича тақлиф киритсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан уларнинг ҳодимларига уй-жой ва автомашиналар хариди учун имтиёзли кредитларни ва фойсиз ссудаларни ажратиб бекор қилинсин.

26. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари, вазирлик, идоралар ва давлат мақсадли жамғармаларининг:

миллий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби фақат Ягона газна ҳисобварағида юритилади; вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш, уларнинг сўровлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда электрон аукцион орқали амалга оширилади;

тижорат банклари депозитларига 2020 йилгача жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлар депозит мuddати тугагандан сўнг, мuddат узайтирилмасдан Ягона газна ҳисобварағига ўтказилади. Бунда тижорат банклари депозитларига кредит ресурси сифатида мақсадли жойлаштирилган маблағлар мазкур ресурс ҳисобига берилган кредитлар сўндирилгандан сўнг Ягона газна ҳисобварағига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг тижорат банклардаги ҳисобварақларининг ҳаракати бўйича маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабга таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда даволаш ва профилактика муассасаларида, «баркамол авлод» марказларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, спорт муассасаларида, давлат маданият муассасаларида, ветеренария бўлинуларида, шунингдек, адлия органларида пуллик хизматлар кўрсатиш амалиётини ўрганиб чиққан ҳолда аҳолига янада қўлайлик яратиш, пул тушуamlарининг шаффофлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақрифлар киритсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар давлат ташкилотларида энгил хизмат автомашиналари чекланган сонини белгилаш, шунингдек, раҳбар ҳодимларга хизмат автомашиналарини классига қараб бириктириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

30. Мактабгача таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ўз тасарруфидоги муассасаларда овқатлантириш бўйича жорий этилган аутсорсинг тизимининг самарадорлигини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратида таълим муассасаларида иш ҳақини режалаштириш ва молиялаштириш бўлимларини ташкил этиш учун худудий газначилик органларининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига қўшимча 4 тадан штат бирликлари ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осовишталлик агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда умумтаълим мактабларининг ўқув биноларидан самарали фойдаланишга ҳамда синфларни комплекшлаш жараёнининг шаффофлигини оширишга қаратилган умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, худудий молия органлари томонидан эса худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга келгуси уч йил учун ажратиладиган бюджет маблағлари чегараланган миқдорларини ва бюджетлараро трансфертлар миқдорларини ҳар йили 15 июнга қадар етказиш тартиби жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг кейинги йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнози аниқлаштирилган кўрсаткичларини, ҳар йили 15 августга қадар эса ўрта муддатли (келгуси уч йилга) даврга мўлжалланган прогнозларини тақдим қилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ўртасида бюджетлараро трансфертларнинг миқдорини аниқлаш ва ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

34. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат бюджети харажатларини самарадорлигини баҳолашнинг қуйдагиларни назарда тутувчи тартибини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

2020 йил давомида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, автомобиль йўллари ва сув ҳўжалиги соҳаларида 2018–2019 йиллардаги тадбирларга йўналтирилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг натижадорлигини халқро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда таҳлил этиш, баҳолаш;

баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси ва Сув ҳўжалиги вазирлиги харажатларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилаш ҳамда, тажриба тариқасида, уларни баҳолаш тизимини жорий этиш, шу асосда кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг 2021 йил учун бюджетларини шакллантириш;

2021 йилдан бошлаб барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгиланган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимига ўтказиш ва мазкур тизимни 2022 йил бюджетини шакллантиришда татбиқ этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида 5 та штат бирлигидан иборат Бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли услубларини жорий этиш бўлими ташкил этилсин.

35. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларини тасдиқласин.

36. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлар маблағларининг сарфланиши, шунингдек, республика бюджетидан маблағ олувчи бюджет маблағлари тақсимловчилари томонидан уларга ажратилган бюджет маблағларидан манзилли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ва жавобгарлигини оширишни назарда тутувчи Ички назорат ва ички аудитни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботдан бошлаб молиявий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ молиявий ўтказмаларни Давлат молияси статистикасининг халқро стандартларидан келиб чиқиб, ҳисоботда акс эттирсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатларини қуйдаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари 113 500,0 млрд сўм миқдорда;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари 26 260,0 млрд сўм миқдорда;

Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасининг харажатлари 426,0 млрд сўм миқдорда.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат молиясини бошқариш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш, шунингдек бюджет муассасаларида ишловчи ишчи ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга ошириш бўйича ахборот дастурларининг узлуқсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобига сервер ва телекоммуникацион қурилмаларни янгиласин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига 7-иловага** мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин.

43. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2019 йил 30 декабр
ПҚ-4555-сон.*

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам

МИҚДОРЛАРИ

сўм

Т/р	Нафақа ва моддий ёрдам турлари	Миқдор
1	14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа шундан:	
	битта болали оилаларга	131 000
	иккита болали оилаларга	217 000
	учта ва ундан ортиқ болали оилаларга	304 000
2	Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа	434 000
3	Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам	326 000 дан 653 000 гача
4	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам	434 000 дан 1 085 000 гача

Изоҳ: Курсатилган нафақа ва моддий ёрдам миқдорлари 2020 йил 1 февралга қадар тайинланган нафақа ва моддий ёрдамни тўлашда ҳам қўлланилади.

Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар РЎЙХАТИ

Т/р	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
1	«Анджон gidroelektrstansiya» УК	200248365
2	«Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595949
3	«Asia trans gas» МЧЖ	206948470
4	«Baraka holding» МЧЖ	305162024
5	«Bekobodsement» АЖ	200459808
6	«Buxoro neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	202080378
7	«Chirchiq gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200942018
8	«Chirchiq transformator zavodi» АЖ	200941525
9	«Coca-cola ichimligi Uzbekiston, Ltd» МЧЖ	200798458
10	«Coscom» МЧЖ	201788904
11	«Epsilon development company» МЧЖ	305922787
12	«Ertoshsoy gidroelektrstansiya» УК	207151221
13	«Farg'ona issiqlik elektr markazi» АЖ	200202146
14	«Fargona neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	200202099
15	«Farg'onaazot» АЖ	200202240
16	«Farxod GES» УК	202256591
17	«Gissaneftgaz» МЧЖ	205678302
18	«GM O'zbekiston» АЖ Хоразм филиали	207228908
19	«Hisorak gidroelektrstansiya» УК	206976058
20	«International beverages Tashkent» МЧЖ	301975029
21	«Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti» МЧЖ	200640719
22	«Issiqlik elektr stansiyalari» АЖ	306349304

Т/р	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
23	«JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ	301305243
24	«Ketring» МЧЖ	201676062
25	«Ko'kdumaloggaz» МЧЖ	205222807
26	«Maxam-Chirchiq» АЖ	200941518
27	«Jarkurgonneftqaytaishlash» МЧЖ	204917978
28	«Muborak issiqlik elektr markazi» АЖ	200698044
29	«Natural gas-stream» МЧЖ	207245357
30	«Navoiy issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200850647
31	«Navoiy kon-metallurgiya kombinati» ДК	201204514
32	«Navoiy xalqaro aeroporti» МЧЖ	200003243
33	«Navoiyazot» АЖ	200002933
34	«O'ztemiryo'lkonteyner» АЖ	203607858
35	«Ohangaronsement» АЖ	200463344
36	«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» АЖ	202328794
37	«O'z aeronavigatsiya» markazi» ДУК	201052000
38	«O'zavtosanoat» АЖ	201053918
39	«Andjion gidroelektrstansiya-2» УК	207068774
40	«Katta Farg'ona kanalidagi kichik gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	305909492
41	«O'rta chirchiq gidroelektrstansiyalari kaskadi» УК	200439436
42	«Oxangaron gidroelektrostansiya» УК	301266689
43	«Tuyabo'g'iz kichik gidroelektrstansiya» УК	305916113
44	«Tuyamo'yin gidroelektrstansiyasi» УК	200209151

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
45	«Qodiriya gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200605332
46	«O'zbekgidroenergo» АЖ	304952767
47	«O'zbekiston metallurgiya kombinati» АЖ	200460222
48	«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖ	306347741
49	«O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi» АЖ	200933985
50	«O'zbekiston temir yo'llari» АЖ	201051951
51	«O'zbekneftgaz» АЖ	200837914
52	«O'zbektelekom» АЖ	203366731
53	«O'zelektroapparat-electroshield» АЖ	201052167
54	«O'ztransgaz» АЖ	200626188
55	«Perfect plast profil» АЖ	303431839
56	«Qizilqumsement» АЖ	200002878
57	«Quvasoycement» АЖ	200124805
58	«Quyiv-bo'zsvu gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200588275
59	«Rubicon wireless communication» МЧЖ	201501439
60	«Samarqand avtomobil zavodi» МЧЖ ҚҚ	202137344
61	«Samarqand gidroelektrstansiyalari kaskadi» УК	205240509
62	«Samarqand xalqaro aeroporti» МЧЖ	200791776
63	«Shahrixon gidroelektro stansiyalar kaskadi» УК	205244122
64	«Shurtan gaz kimyo majmuasi» МЧЖ	203195074

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
65	«Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201169179
66	«Tahiyatosh issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200366401
67	«Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201284979
68	«Tashkent tobacco» МЧЖ	205442074
69	«To'palang gidroelektrostantsiya» УК	206695638
70	«To'raqo'rg'on issiqlik elektr stansiyasi» УК	306455520
71	«Toshkent gidroelektrstansiyalari kaskadi» УК	200796373
72	«Toshkent issiqlik elektr stansiya» АЖ	200605388
73	«Toshkent issiqlikelektrmarkazi» АЖ	200624673
74	«Toshkentvino kombinati» АЖ	200547634
75	«Unitel» МЧЖ	201838002
76	«Universal mobile systems» МЧЖ	303020732
77	«Uzauto motors» АЖ	200244767
78	«Uzauto trailer» МЧЖ	302320834
79	«Uzbat» АЖ	200987017
80	«Uzbekistan airways» АЖ	306628114
81	«Uzbekistan airways technics» МЧЖ	200640797
82	«Uzbekistan GTL» МЧЖ	207041936
83	«VL Galperin nomidagi Toshkent truba zavodi» МЧЖ	200897524
84	«Yangi Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595838
85	«Jizzakh petroleum» МЧЖ	304936120
	30 та тижорат банклари	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
 ҚАРОРИ

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
 УЧУН БЎШ ТУРГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ
 ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 августдаги ПҚ-4427-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб жорий этилган тартибга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари (кейинги ўринларда ер участкалари деб аталади) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фақат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали берилади, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкаларини тақдим этиш ҳоллари бундан мустасно;

жиомоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда «YERELEKTRON» ААТ деб аталади) аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади.

2. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага** мувофиқ;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 21.12.2019 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1-3-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Ҳужжатнинг пўлқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

«YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига уланадиган вазириликлар, идоралар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқланган.

3. Белгилансинки:

а) жисмоний ва юридик шахслар аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш юзасидан тақлифлар киритиш учун «YERELEKTRON» ААТда бепул рўйхатдан ўтади;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш оператори ҳисобланади;

в) ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш, келишиш ва хулосаларни олиш ваколатли органлар томонидан фақат «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон шаклда амалга оширилади;

г) «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи электрон онлайн-аукционда «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан реализация қилинади;

д) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазириликнинг ҳудудий бўлинмалари:

ҳудудларни ривожлантириш режалари ва қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган шахарсозлик ҳужжатлари асосида ер участкасида қурилишига рухсат берилган ёки таққиланган объектлар тури аниқланишини;

архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқишини;

ер участкасида қурилишига рухсат этилган ёки таққиланган объектлар турининг тегишли ҳудудлари ва иншоотларидан

режим асосида фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш, ёнғин хавфсизлиги ва йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини текширишни;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришни таъминлайди;

е) муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазириликнинг ҳудудий бўлинмаларидан сўров келиб тушган кундан бошлаб уч иш кун ичида уларга муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича техник шартларни тайёрлаб, электрон шаклда юбориши шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазириликнинг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазириликнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси А.Х.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 20 декабрь
1023-сон.

ЎзР ВМнинг
2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарорига
2-ИЛОВА

«YERELEKTRON» АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИГА УЛАНДИГАН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик Ма-

даний мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ҳудудлараро (ҳудудий) давлат инспекциялари.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) прокуратуралари.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирилик, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига уланиши белгиланган бошқа ташкилотлар.

Эслатма. Давлат органлари тизимига электрон хукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали белгиланган тартибда уланади.

Pro house Тошкентда яқунларни чиқарди

2-бетда беради. Уй-жой қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишида Pro House лойиҳасининг қозоғистонлик ҳамкорлари қатнашганлар.

Ўзбекистонда бир уйлик ширкатлар аллақачон урфга айланиб бўлган ва кўплаб мулкдорлар уларга катта умид боғламоқдалар. Бир уйдан иборат ХУМШдан ташқари, бизда кичик, оптимал ва йирик ҳамжамиятлар ишлаб турибди. Ширкатларга бирлашган уйларнинг миқдори тўғрисидаги қарор мулкдорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Pro House лойиҳаси раҳбари Лариса Шреккенбах конференцияда лойиҳа яқунларининг ажойиб сарҳисобини келтирди. 3 йил давомида бир қатор тадбирлар ўтказилган: семинарлар, конференциялар, давра суҳбати муҳокамалари, кўчмас мулк бошқарувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар учун ўқув ва таништирув сафарлари бўлиб ўтди. Уй-жой фондини бошқариш, унинг энергия сарфиёти самардорлигини ошириш бўйича халқаро тажриба, кўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, сиёсатчилар билан музокаралар ўтказиш, қонунчилик жараёнларига таъсир ўтказиш йўл-йўриқлари бўйича билимларга эга бўлиш энг қимматли бойликка айланди. Ўзбекистонликлар кўп квартиралли уйларнинг энергия сарфини тежашга доир Германия тажрибасини пухта ўрганиб, кейин бу тажрибадан айримларини мамлакатимизда татбиқ этиш ҳадисини олдилар. Немис экспертлари ўзбекистонлик уй-жой соҳаси мутасаддилари ва манфаатдор идораларнинг мутахассисларига ушбу масаланинг техник жиҳатларини тақдим этдилар.

Шубҳа йўқки, лойиҳада иштирок этиш ўзбекистонликларга уй-жой фондини модернизация қилиш ёндашувларини тушуниб етишга, қулай ва обод яшаш маконларини ташкил этиш билан шуғулланаётган барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, сиёсатчилар, шахар қурилиши мутасаддилари, бошқарувчилар уюшмаси, оддий одамлар билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини тушунишга имкон берди.

Pro House лойиҳасининг Тошкентда ўтказилган якуний босқичи ўз анъаналарига содиқ қолди – бунда ҳам янги тажрибалар, ғоялар, уй-жой соҳаси мутахассисларининг янги билимлар хазинасига савёхати тадбир руҳини белгилаб берди. Конференцияда Ўзбекистон ва Қозоғистондаги турар жойларни бошқаришни профессионаллаштириш сиёсати, кўчмас мулкни профессионал бошқаришда бошқарувчилар уюшмаларининг роли, кўп квартиралли уйларнинг энергетик санациясининг Берлиндаги тажрибаси, кўп квартиралли уй-жой фондини таъмирлашнинг Литва дастури, Украина энергия сарфининг самардорлиги ва бошқа масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Ирина Гребенюк,
махсус мухбиримиз.

ТАХРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Буви набираси учун квартира сотиб олса

Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи буви Тошкент шаҳрида прописка қилинган 17 ёшлиқ набираси учун пойтахтда квартира сотиб олмақчи. Бунинг учун уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш режалаштирилмоқда. Шартномада сотувчи – квартира мулкдори ва харидор-набира – бўлғуси мулкдордан ташқари, буви ҳақ тўловчи сифатида иштирок этмоқчи.

Учинчи шахс (харидорнинг қариндоши) ҳақ тўловчи сифатида иштирок этадиган квартира олди-сотдисининг уч томонлама шартномасини тузиш қонун ҳужжатларига назарда тутилганми?

– Бу борада қонун ҳужжатларида чекловлар мавжуд эмас. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай битимлар тузилганда ҳам отасининг, ҳам онасининг розилиги

талаб қилинади (ФКнинг 27-моддаси 1-қисми; Йўриқноманинг 26-банди, 4.01.2019 йилдаги АВ рўйхат рақами 3113). Амалиётда бундай розилик, қоида тариқасида, нотариал тасдиқланади.

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга

келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилди (ФКнинг 353-моддаси). Шартномаларга икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФКнинг 9-боби).

Бундан ташқари, фуқаролар шартнома тузишда эркиндирлар, унинг шартлари эса тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 354-моддаси).

Шу тариқа, бундай битим тузиш учун бирор-бир чекловлар назарда тутилмаган.

Павел Сильнов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар эълон қилинади

Президентнинг 13.12.2019 йилдаги ПҚ-4551-сон қарори билан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳужжат давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги чиқишида айтиб ўтилган ташаббусларни амалга оширишга йўналтирилган.

Улар орасида – ер ажратиш ва шаҳарсозлик соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини кенгайтириш. **2020 йил 1 мартдан бошлаб:**

➢ аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, улларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади («Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси);

➢ жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар қабул қилинганидан (расмийлаштирилганидан) кейин 1 кун муддатда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

Қонунлар ижросини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш учун:

➢ Олий Мажлис палаталари қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиб бориш, қабул қилинган қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириши ва кучайтириши керак;

➢ Олий суд жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда қонунларнинг бир хил ва тўғри қўлланилиши ҳолатларини ўрганиш юзасидан суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириб боради, заруратга кўра тегишли Пленум қарорларини қабул қилади;

➢ Ҳукумат қонунлар ижросининг мақсадли ва комплекс ўрганилишини ҳамда унинг натижаларини режа асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида муҳокама қилиб борилишини таъминлайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 14.12.2019 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ҳукумат кўчмас мулкка янги намунадаги кадастр паспортларини жорий этади

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 12.12.2019 йилдаги 987-сон қарори қабул қилинди.

Паспорт босқичма-босқич жорий этилади:

➢ 2020 йил 1 мартдан бошлаб – Тошкент шаҳрида, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида;

➢ 2020–2022 йилларда босқичма-босқич – бошқа вилоятларда ва Қорақалпоғистонда.

2020 йил 1 мартдан бошлаб Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш юзасидан мурожаат қилинганда, ариза берувчига давлат хизматлари марказлари орқали янги намунадаги кадастр паспорти берилади.

«Ерғодезикадастр» давлат кўмитасига бир ой муддатда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда ДСҚ билан биргаликда янги намунадаги кадастр паспорти шакли ва унинг тавсифини тасдиқлаш топширилди. Икки ой муддатда паспортларни етарли миқдорда ишлаб чиқарилишини ҳамда давлат хизматлари марказларига етказиб берилишини таъминлаш зарур. Бунда молиялаштириш учун чет эл инвесторларининг маблағлари жалб этилади.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир ой муддатда тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.12.2019 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан 2019 йилги ДИНАМИКАСИ *

Ўзгариш ойи	Ўзгариш кун	1 Англия фунт стерлинги	1 АҚШ доллари	1 евро	1 Туркия лirasи	1 Швейцария франки	1 Жанубий Корея вон	1 Япония иенаси	1 Россия рубли	1 Украина гривнаси
Январь	1	10 591,21	8 336,25	9 533,34	1 581,38	8 470,94	7,47	75,61	119,85	300,95
	8	10 609,76	8 337,07	9 498,42	1 564,15	8 452,87	7,47	76,83	123,36	299,95
	15	10 730,17	8 356,18	9 582,03	1 532,68	8 492,05	7,48	76,99	124,97	298,04
	22	10 785,23	8 378,18	9 518,45	1 572,69	8 416,05	7,45	76,33	126,33	299,90
	29	11 068,96	8 384,94	9 568,89	1 591,73	8 444,90	7,50	76,55	127,09	301,97
Февраль	5	10 991,72	8 401,53	9 623,11	1 613,38	8 439,51	7,51	76,74	128,35	305,96
	12	10 869,20	8 395,15	9 510,03	1 600,17	8 395,15	7,47	76,51	127,67	309,48
	19	10 816,71	8 392,20	9 477,31	1 592,33	8 350,45	7,46	75,96	126,25	308,47
	26	10 967,84	8 403,19	9 530,06	1 580,26	8 402,35	7,49	75,92	128,61	311,29
Март	5	11 080,39	8 392,96	9 546,15	1 562,00	8 403,04	7,45	75,00	127,32	310,51
	12	10 898,89	8 374,10	9 410,81	1 543,33	8 309,29	7,39	75,34	126,18	317,63
	18	11 133,58	8 378,04	9 488,13	1 538,47	8 363,82	7,38	75,17	129,09	310,30
Апрель	2	11 082,31	8 389,97	9 491,57	1 456,16	8 444,86	7,39	76,33	129,72	312,31
	9	10 971,61	8 419,62	9 444,29	1 519,65	8 460,23	7,41	75,96	128,14	308,41
	16	11 017,21	8 451,37	9 477,37	1 502,41	8 453,06	7,44	75,64	129,37	316,89
	23	11 060,47	8 455,37	9 554,57	1 465,83	8 436,81	7,46	75,48	131,53	316,44
Май	7	10 963,64	8 441,36	9 493,15	1 452,85	8 321,53	7,43	75,43	131,78	314,39
	14	10 909,04	8 445,49	9 415,03	1 422,47	8 283,95	7,29	75,69	130,27	320,33
	21	11 128,03	8 448,89	9 462,76	1 419,24	8 312,56	7,26	76,05	129,81	319,55
	28	10 994,76	8 458,16	9 501,05	1 415,43	8 361,17	7,20	76,93	129,74	323,26
Июнь	4	10 760,60	8 460,92	9 439,00	1 397,58	8 373,00	7,09	76,87	131,06	320,98
	11	10 847,69	8 485,91	9 505,92	1 395,36	8 472,35	7,16	77,65	131,52	321,44
	18	10 753,49	8 513,57	9 507,10	1 458,50	8 506,76	7,17	78,64	130,41	317,14
	25	10 847,69	8 518,68	9 652,52	1 461,18	8 625,64	7,21	78,75	131,33	318,46
Июль	2	10 746,50	8 535,74	9 566,00	1 446,61	8 545,14	7,19	78,63	132,57	323,08
	9	10 908,42	8 562,34	9 731,96	1 471,09	8 771,09	7,39	79,80	135,34	328,00
	16	10 883,92	8 574,74	9 747,76	1 481,65	8 785,59	7,42	79,48	135,83	327,97
	23	10 742,68	8 578,36	9 628,35	1 524,28	8 651,90	7,30	79,10	134,52	334,35
Август	6	10 793,29	8584,50	9 673,87	1 503,92	8 724,09	7,30	79,57	136,34	333,31
	13	10 780,64	8 624,51	9 676,70	1 525,62	8 786,18	7,34	80,08	136,92	335,45
	20	10 729,39	8 666,71	9 641,71	1 528,30	8 725,17	7,32	79,76	136,63	341,96
	27	10 579,90	8 704,87	9 668,50	1 565,99	8 864,43	7,23	81,67	133,85	340,70
Сентябрь	4	10 774,75	8 882,00	9 928,30	1 624,03	9 113,48	7,36	83,75	136,38	353,72
	11	10 926,66	9 061,00	10 092,14	1 615,01	9 310,52	7,45	85,57	138,47	358,39
	18	11 378,10	9 384,00	10 393,72	1 660,06	9 561,85	7,75	88,01	140,14	373,98
	25	11 508,37	9 373,93	10 446,31	1 627,73	9 619,22	7,73	88,95	141,92	373,76
Октябрь	2	11 340,31	9 384,57	10 296,75	1 638,28	9 512,03	7,75	88,60	140,61	372,20
	9	11 538,77	9 395,63	10 360,56	1 644,17	9 517,45	7,88	87,89	142,96	375,08
	16	11 764,13	9 411,30	10 421,13	1 655,43	9 504,44	7,98	87,09	146,51	380,10
	23	11 759,00	9 424,54	10 383,02	1 641,08	9 513,01	7,90	87,63	147,27	386,34
Ноябрь	1	11 608,04	9 446,65	10 332,75	1 666,13	9 535,33	7,86	87,53	146,19	392,14
	8	11 633,19	9 433,34	10 354,03	1 656,37	9 477,89	7,92	88,22	145,75	381,15
	15	11 958,04	9 455,24	10 438,58	1 607,13	9 488,45	8,00	87,23	147,25	383,89
	22	12 255,69	9 448,53	10 553,06	1 631,62	9 601,19	8,02	87,15	147,70	377,11
Декабрь	5	12 132,99	9 463,37	10 483,52	1 639,02	9 517,62	8,08	87,11	148,40	377,78
	12	12 244,97	9 467,27	10 570,21	1 661,25	9 607,54	8,13	87,52	149,13	381,06
	19	12 119,71	9 490,77	10 455,03	1 646,05	9 517,42	8,19	86,86	148,82	387,54
	26	12 255,29	9 500,96	10 498,56	1 653,98	9 599,84	8,17	87,38	149,01	394,03
Январь 2020	3	12 181,67	9 494,68	10 465,04	1 662,18	9 521,34	8,05	87,40	148,74	394,30
	10	12 300,56	9 510,99	10 476,36	1 655,24	9 512,89	8,06	86,85	147,79	396,79
	17	12 527,57	9 537,55	10 545,67	1 651,35	9 631,94	8,05	87,83	149,88	402,26
	24	12 701,92	9 532,40	10 599,08	1 641,48	9 689,37	8,11	87,17	151,57	406,50
31	12 373,18	9 516,37	10 542,23	1 603,27	9 684,89	8,21	86,96	152,94	408,56	
31	12 432,09	9 507,56	10 624,70	1 598,12	9 753,34	8,20	86,90	153,17	401,33	

*ЎЗР Марказий банки томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган. Курслар МБ мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда белгиланган.

<p>Иқтисодий-ҳуқуқий газета</p> <p>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</p> <p>ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир Ўринбосари, масъул котиб Надир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига муносабат қилиш мумкин.</p>
<p>Газета нашри – «ТОPRINT» М-Джининг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр курсатқиси – 186. Қроғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма таъбиқ. Баҳори қилинган нарҳда. Буортма г-122. Адади 640. Газета 2020 йил 6 январь соат 15.00 да топширилди.</p>				
<p>Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди, манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41. 12345 ISSN 2010-5223</p>				